

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖУРАЕВА ГУЛНОЗА АХМАТОВНА

**ЎЗБЕК БОЛАЛАР ШЕЪРИЯТИДА ҲАЖВИЯ
(XX–XXI аср материаллари асосида)**

10.00.02. – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ
ОЛИШ УЧУН ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ДИССЕРТАЦИЯ**

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора наук (DSc) по филологическим
наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doktor of Science (DSc) on Philological
Science**

Жураева Гулноза Ахматовна

Ўзбек болалар шеърятда ҳажвия (XX–XXI аср материаллари
асосида) 3

Жураева Гулноза Ахматовна

Юмор в узбекской детской поэзии (на основе материалов XX–XXI
вв.) 24

Jurayeva Gulnoza Axmatovna

Humour in Uzbek Children's Poetry (Based on materials of XX–XXI
centuries) 46

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 50

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖУРАЕВА ГУЛНОЗА АХМАТОВНА

**ЎЗБЕК БОЛАЛАР ШЕЪРИЯТИДА ҲАЖВИЯ
(XX–XXI аср материаллари асосида)**

10.00.02. – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ
ОЛИШ УЧУН ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ДИССЕРТАЦИЯ**

АВТОРЕФЕРАТИ

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B20204.DSc/Fil251 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетидан бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.navoiy-uni.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Қаҳрамонов Курдош Ялғашевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қувватова Дилрабо Хабибовна
филология фанлари доктори, профессор

Магочонов Сафо
педагогика фанлари доктори, профессор

Болтабоев Хамидулло Убайдуллаевич
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети


Диссертация химояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети хузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг «15» 02 2022 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz); e-mail: monitoring@navoiy-uni.uz.)

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (893 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103.Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил 02 "1" куни тарқатилди.
(2022 йил 02.01 "1" -рақамли реестр баённомаси).


Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
филол.ф.д., профессор


Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, филол.ф.д., доцент


Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д.,
доцент

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида умумадабиётнинг муҳим узви саналган болалар адабиётининг яратилиш тарихи, таркиб топиши, жанр хусусиятлари, бадиияти, адабий-эстетик ҳодиса сифатидаги ўзига хос хусусиятларига катта эътибор қаратилмоқда. Болалар адабиётида жанр имкониятларининг кенгайиши, мавзу янгиланиши зарурати мумтоз анъаналарни техника тараққиёти билан уйғун ҳолда акс эттиришга асос бўлмоқда. Бадиий ижоднинг ажралмас қисми бўлган ҳажвиётнинг фош қилиш санъати сифатида намоён бўлиш усуллари, образлилиги, тарбиявий аҳамияти, шунингдек, структурал-семантик ва структурал-композицион хоссаларини ўрганиш масалалари кенг ёритилмоқда.

Дунё адабиётшунослигида глобал ижтимоий муаммоларни бадиий талқин этиш, миллий ва умуминсоний ғояларга зид иллатларни ҳажвий йўсинда акс эттириш вазифаси долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу тенденция болалар шеърлятида ҳажвий-юмористик йўналишнинг қадим анъаналаридан озикланиши баробарида ўзининг янги тараққиёт босқичига кўтарилди. Хусусан, мазкур жиҳатлар болаликнинг рангин манзараларини поэтик чизгиларда акс эттириш, кичкинтойларнинг дунёни ўз “мен”и доирасида идрок этишга қаратилган услубий-шаклий изланишлар ижодкорларнинг бадиий маҳорат сари интилишларида намоён бўлмоқда.

Истиклол даври ўзбек адабиётшунослиги ҳам жаҳонга юз тутиб, Шўро даврига хос ижтимоий-мафкуравий қарашлардан воз кечилди. Бадиий асарларга, энг аввало, бадиий-эстетик ҳодиса сифатида ёндашиш, таҳлил ва талқинларда ижодкор шахси, унинг поэтик олами ва маҳоратини очишга катта эътибор қаратилмоқда. Болалар шеърлятида ҳажвиянинг ўрни, сатирик ва юмористик асарларнинг кичкинтойлар маънавий-эстетик дунёқараши шаклланишида, жамият учун муносиб ворислар бўлиб вояга етишишларида муҳим ўрин тутишини бунёдкор ғоялар асосида ёритиш ижтимоий заруратга айланди. “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун...”¹ миллий маданиятимиз ва умумий тараққиётимизга тўсқинлик қилаётган иллатларни бадиий сўз воситасида фош этиш санъатини илмий тадқиқ этиш алоҳида ўрин тутди. Қолаверса, муайян бир давр болалар адабиётининг ўзига хос индивидуал хусусиятларига илмий-назарий баҳо бериш ҳамда адабий жамоатчиликда аниқ ва теран тасаввур пайдо қилиш мавзунинг долзарблигини оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон

¹ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 65-б.

“Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Болалар адабиётининг шаклланиш тарихи, тарихий тараққиёти, жанрий хусусиятлари, номоддий маданий мерос тизимида тутган ўрни, болалар ҳажвий шеъриятининг бадиий ва тарбиявий моҳияти, ҳажвий образ яратиш маҳоратига оид тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказларида, хусусан, Ankara Universitesi, Istanbul Universitesi (Туркия); University of California, University of Indiana, University of Michigan (АҚШ); Oxford, Kемbridj университетлари (Буюк Британия); Aligarh Muslim University, Delhi University (Ҳиндистон); Azərbaycan milli elmler akademiyasi Nizami adına adabiyat instituti (Озарбайжон); Тойо университети (Япония); Москва давлат педагогика университети (Россия), Бухоро давлат университети, Тошкент давлат педагогика университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институт (Ўзбекистон)ларида олиб борилмоқда.

Жаҳон болалар адабиётида ҳажвиянинг ижтимоий-фалсафий талқини, маърифий-дидактик ҳамда бадиий-эстетик аҳамияти юзасидан олиб борилган тадқиқотлар асосида муайян натижаларга эришилган: мажозий-ҳажвий образ, ҳажвий қаҳрамон ва рамзлар муносабатидаги янгиланишлар, жанрлар такомилли ва генезиси аниқланган (Оксфорд университети, تهران دانشگاه, İstanbul Üniversitesi, Gazi Üniversitesi, Azərbaycan milli elmler akademiyasi Nizami adına ədəbiyyat İnstitutu, ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек болалар шеъриятида ҳажвийлик муаммосига бағишланган биргина тадқиқот иши олиб борилган бўлса-да³, масалага у ёки бу даражада муносабат билдирилган бир қатор диссертация⁴,

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://arts.unimelb.edu.au/nceis>; <https://www.westernsydney.edu.au>; <https://slc.umd.edu/persian/about>; <http://nelc.uchicago.edu>; <https://nelc.osu.edu>; <http://ut.ac.ir>; <http://www.um.ac.ir>; <https://www.amu.ac.in>; <http://www.du.ac.in/du>; <http://www.istanbul.edu.tr/tr>; <https://www.ankara.edu.tr>; <http://gazi.edu.tr>; <https://www.orientalstudies.az/ru>; <http://literature.az/?lang=aze>; <http://www.kaznu.kz/ru>; www.iaas.msu.ru; <https://www.ivran.ru>; <https://spbu.ru>; www.orient.spbu.ru/ru; <http://www.orientalstudies.ru>; <http://oriental-studies.org.ua/uk/home>; <http://zoa.dmt.tj>; <http://iza.tj/ru/institutyazyka-literatury-vostokovedeniya-i-pismennogo-naslediya-im-rudaki>; <http://tashgiv.uz/ru/>; <http://navoiy-uni.uz/uzk>; <http://www.samdu.uz> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

³ Адылова З. Юмор и сатира в узбекской детской поэзии (60–70 годы): Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент: 1984. – 22 с.

монография⁵ ва рисоалар⁶ ҳам кам эмас. Уларда ўзбек болалар шеърлятида қаҳрамон, бадий тил ва услуб, сатира ва юмор масалалари ижодкор маҳорати нуқтаи назаридан турли даражада ўрганилганини кузатиш мумкин. Мазкур тадқиқотларда, гарчи бадий ижодга давр билан боғлиқ бирёклама ёндашиш ҳолатлари мавжуд бўлса ҳам, болалар адабиётида китобхонлар ёш хусусиятлари билан боғлиқ тасвирнинг шартлилиги, адабий танқиднинг ушбу муаммога муносабати хусусида эътиборли кузатишлар ҳам ўз аксини топган. Жумладан, З.Одилованинг “Ўзбек болалар шеърлятида юмор ва сатира (60–70-йиллар)” номли диссертациясида ўтган асрнинг 60–70-йиллари болалар шеърляти материаллари асосида сатира ва юмордан фойдаланиш маҳорати ҳамда юморнинг кичкинтойлар адабиётидаги ўрни белгиланган. Тадқиқотчи томонидан Қуддус Муҳаммадий, Шукур Саъдулла, Зафар Диёр, Қудрат Ҳикмат, Пўлат Мўмин каби болалар шоирлари яратган ҳажвий асарлар таҳлилга тортилиб, сатира ва юморнинг тарбиявий аҳамияти, кулги асосида фош қилиш ва образ яратиш муаммоларига муносабат билдирилган.

⁴ Сафаров А. Шукур Саъдулла – детский писатель: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Самарканд, 1971. – 19 с.; Ирисходжаева С. Специфические особенности узбекской детской поэзии: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1974. – 21 с.; Эгамов Х. Язык и стиль узбекских детских поэм: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1974. – 25 с.; Азимов И.У. Мастерство создания художественного образа в современной узбекской детской поэзии: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1986. – 23 с.

⁵ Жумабаев М. Проблема положительного героя в узбекских детских поэмах: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1982. – 22 с.; Кахраманов К.Л. Роль литературной критики в развитии реалистических принципов в узбекской детской литературе: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1988. – 20 с.; Баракаев Р. XX аср бошларидаги ўзбек болалар адабиёти ва Абдулла Авлоний ижоди: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – 32 б.; Турдиева К. Ҳозирги замон болалар шеърлятида маънавий масаласи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – 26 б.; Ражабов Д. 80-йиллар ўзбек болалар шеърлятида поэтик маҳоратнинг айрим масалалари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1995. – 29 б.; Жамилова Б. Ўзбек болалар публицистикаси ва унинг ривожланиш тамойиллари: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 23 б.; Ашуров Б.Т. Адашбоев шеърлари поэтикаси: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – 156 б.; Тўраева Д. Қудрат Ҳикматнинг бадий маҳорати: Филол. фан. бўй. фалс. док. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 53 б.; Тўхтаева Н. Истиқлол даври ўзбек болалар шеърлятининг етакчи хусусиятлари: Филол. фан. бўй. фалс. док. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – 56 б.; Маматалимов З. Анвар Обиджон шеърлятининг бадий-маърифий хусусиятлари: Филол. фан. бўй. фалс. док. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2021. – 56 б.

⁶ Ўзбек болалар адабиёти тарихи очерки. – Тошкент: Фан, 1978. – 280 б.; Ўзбек болалар адабиёти ва адабий жараён. – Тошкент: Фан, 1989. – 312 б.; Болалар адабиёти ва замонавийлик. – Тошкент: Фан, 1991. – 212 б.; Болалар олами: Ўзбек болалар адабиёти ҳақида мақолалар тўплами. К. 1. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988. – 112 б.; Болалар олами: Ўзбек болалар адабиёти ҳақида мақолалар тўплами. К. 2. – Тошкент: Ёш гвардия, 1989. – 96 б.; Қаҳрамонов Қ. Адабий танқид ва ўзбек болалар адабиёти. – Тошкент: Фан, 1991. – 120 б.; Баракаев Р. Абдулла Авлоний ва ўзбек болалар адабиёти. – Тошкент: Фан, 2004. – 158 б. Қўшжонов М. Қуддус Муҳаммадий. Қудрат Ҳикмат. – Тошкент, 1969. – 30 б.; Шарипов М. Шукур Саъдулла. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1971. – 96 б.; Кобулов Н. Кичкинтойларнинг катта шоири (Султон Жўра). – Тошкент: Ёш гвардия, 1973. – 71 б.; Шермухамедов П. Ижод дарди. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1973. – 163 б.; Яна ўша: Она сутидек покиза. – Тошкент: Ёш гвардия, 1975. – 80 б.; Яна ўша. Истеъдод сеҳри. – Тошкент: Ёш гвардия, 1977. – 135 б.; Эгамов Х. Дидактика ва услуб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1975. – 42 б.; Яна ўша. Болалар дунёси. – Тошкент: Ёш гвардия, 1976. – 47 б.; Сафаров О. Болалик куйчиси. – Тошкент: Фан, 1978. – 168 б.; Имомов Б. Пўлат Мўмин. – Тошкент: Ёш гвардия, 1980. – 96 б.; Ирисхўжаева С. Болалар адабиётида дидактика. – Тошкент: Фан, 1977. – 48 б.; Яна ўша: Шоир ва мураббий. – Тошкент: Ўзбекистон, 1977. – 31 б.; Яна ўша: Кичкинтойлар олами. – Тошкент: Ёш гвардия, 1982. – 32 б.; Хўжаева Р. Қуддус Муҳаммадий. – Тошкент: Фан, 1980. – 56 б.; Матжонов С. Тириклик суви. – Тошкент: Ёш гвардия, 1986. – 176 б.; Яна ўша: Китоб ўқишни биласизми? – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 144 б.; Баракаев Р. Жонажоним, шеърят (80-йиллар ўзбек болалар шеърляти ҳақида баъзи қайдлар). – Тошкент: Чўлпон, 1997. – 88 б. Иброҳимова З. Кичкинтойлар адабиётининг хусусиятлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 120 б.; Яна ўша: Қувноқликка яширинган изтироблар. – Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2005. – 32 б.; Қурононов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Фан, 2007. – 228 б.; Расулов А. Бетакрор ўзлик. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2009. – 137-216-б.; Яна ўша: Ўзликни англаш. – Тошкент: Адиб, 2012. – 39 б.

С.Ирисхўжаеванинг “Ўзбек болалар шеърятининг ўзига хос хусусиятлари” номли тадқиқот ишида 60–70 йиллар ўзбек болалар шеърятининг ғоявий-тематик ўзига хослиги ва дидактик хусусиятлари ўрганилган. Ишда асосий эътибор болалар шеърятининг бош вазифаси кичкинтойларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш эканлигига қаратилган бўлиб, дидактика, бадиий тил, кичик қаҳрамонлар образини яратиш муаммолари таҳлил марказига қўйилган.

Юқорида қайд этилган изланишлар ўтган асрнинг 60–70-йиллари материаллари асосида олиб борилган бўлса, Д.Ражабов ҳамда К.Турдиеванинг диссертацион ишларида 80–90-йиллар болалар шоирларининг бадиий маҳорати ва лирик қаҳрамон образини яратиш муаммоси ёритилган. Бироқ бу тадқиқотларда ҳажвий шеърлар алоҳида поэтик ҳодиса сифатида махсус ўрганилмаган. Ваҳоланки, шу давр болалар шеърятида Т.Адашбоев, А.Обиджон, Қ.Ўтаев, Р.Толипов, А.Кўчимов, Х.Имонбердиев, К.Турдиева, Д.Ражабов, А.Акбар каби истеъдодли шоирлар ижодининг каттагина қисмини ҳажвий асарлар ташкил этади. Профессор Қ.Қаҳрамоновнинг “Болалар адабиётида реалистик принципларнинг шаклланишида адабий танқиднинг роли” мавзусидаги диссертациясида болалар адабиётида реалистик тамойилларнинг шаклланишидаги ўрни ҳақида фикр юритилса, Р.Баракаевнинг “XX аср бошларидаги ўзбек болалар адабиёти ва Абдулла Авлоний ижоди” номли тадқиқотида аср бошидаги адабий муҳит, болалар адабиётининг вужудга келиши ва шаклланишида Абдулла Авлоний яратган асарларнинг аҳамияти ўрганилади. Б.Ашуровнинг “Турсунбой Адашбоев шеъряти поэтикаси”, Ҳ.Нусратованинг “Сафар Барноевнинг бадиий маҳорати”, Д.Тўраеванинг “Қудрат Ҳикматнинг бадиий маҳорати”, Н.Тўхтаеванинг “Истиқлол даври ўзбек болалар шеърятининг етакчи хусусиятлари” ҳамда З.Маматалимовнинг “Анвар Обиджон шеърятининг бадиий-маърифий хусусиятлари” каби диссертацион ишларида муайян ижодкорнинг бадиий ва образ яратишдаги маҳорати масалалари тадқиқ этилади. Уларда кичкинтойлар хулқ-атворидаги камчиликлардан тортиб янгиланаётган жамиятимиз тараққиётига тўсиқ бўлаётган иллатларгача қаламга олинади. Истиқлол даври болалар шеърятида ҳажвий образ яратиш муаммоси ҳалигача тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб келмоқда. Даврий нашрларда чоп этилган айрим мақолалардагина бу масала хусусида баъзи фикр-мулоҳазалар ўртага ташланган, аммо монографик йўсинда таҳлил қилинмаган.

Шу боис ушбу диссертацияда истиқлол даври ўзбек болалар шеърятида ҳажвий образ яратиш муаммоси бадиий маҳорат нуқтаи назаридан илк бор тадқиқ этилмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети “Ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси” кафедраси илмий-тадқиқот режасининг “Ўзбек болалар адабиётини ўрганиш муаммолари” доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек болалар ҳажвий шеърятининг тараққиёт такомилли, ҳажвиянинг бадиий-эстетик ва тарбиявий аҳамияти ҳамда жанрий хусусиятларини аниқлаш, сатирик ва юмористик кулги воситасида ҳажвий образ

яратиш маҳоратини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек болалар шеъриятида ҳажвиётнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;
ўзбек болалар шеъриятида шаклий ва мазмуний янгилашлар асосида ҳажвиянинг янгича моҳият касб этганлигини кўрсатиш;
ҳажвий образ яратиш усуллари ва йўналишларини аниқлаш;
ҳажвий образ яратишдаги бадиий-поэтик маҳорат қирраларини очиб бериш;
ҳажвий образлар талқинидаги муштараклик ва ўзига хосликларни тадқиқ этиш, кулги ҳосил қилувчи бадиий унсурларни аниқлаш;
ҳажвий шеърларнинг болалар маънавияти ва эстетик дидини шакллантиришдаги ўрнини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўтган бир аср мобайнида ўзбек болалар ҳажвий шеъриятининг шаклланиш тарихи, тараққиёт тенденциялари, бадиий-эстетик ва дидактик-тарбиявий моҳиятининг етакчи хусусиятлари ўз аксини топган шўро ва истиқлол даври ҳажвий шеърий намуналар олинган.

Тадқиқотнинг предметини болалар шеъриятида ҳажвиянинг такомиллида поэтик янгилашларга асос бўлган бадиий тил ва тафаккур, сатирик ва юмористик тасвир воситалари, шакл, мазмун ва мантиқ уйғунлиги, ҳажвий образ яратиш маҳорати муаммоларини текшириш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тарихий-маданий, тарихий-қиёсий, биографик, психологик ва аналитик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳажвиянинг XX–XXI аср бошлари ўзбек болалар шеърияти тараққиётида тутган ўрни, мавзу кўлами, ижодкор концепцияси ва образ яратиш орқали намоён бўладиган поэтик изланишлар, фош қилиш санъати орқали юзага келадиган реалистик тасвир, рамзий-мажозий образларнинг эстетик-тарбиявий асослари бадиий-психологик, қиёсий-типологик усуллар воситасида аниқланган;

ҳажвиянинг болалар шеъриятидаги бадиий-эстетик ва жанрий такомилли, маърифий-дидактик ҳамда тарбиявий аҳамияти, кулги ҳосил қилиш билан боғлиқ сатирик ва юмористик табиатининг мумтоз шеърият анъаналари ҳамда миллий ва умуминсоний ғоялардан озикланиши тарихий-қиёсий ёндашувлар асосида далилланган;

ўтган давр мобайнида ўзбек болалар ҳажвий шеъриятида шаклий (игнабарг шеърлар, уччаноқли, рақамли шеърлар, алифбе шеърлар) ва мазмуний (болалар феъл-атворидаги камчиликлардан теран ижтимоий-фалсафий ғоялар таҳлилига ўтилиши) янгилашларнинг янгича моҳият касб этиши ҳажвий шеъриятни даврлаштириш асосида очиб берилган;

ҳажвиянинг болалар шеърияти тараққиётидаги поэтик қиммати, даврлари, хусусан, жадиличлик даврида маърифий-тарбиявий, шўро даврида синфий-мафкуравий ва бадиий ҳамда истиқлол йилларида ахлоқий-эстетик хусусиятлари етакчилик қилганига эътибор қаратилиши аниқланган;

Қ.Муҳаммадий, П.Мўмин, Ш.Саъдулла, Қ.Ҳикмат, Т.Адашбоев, А.Обиджон, Қ.Ўтаев, Р.Толипов, А.Кўчимов, Х.Имонбердиев, К.Турдиева, Д.Ражабов, А.Акбар каби шоирлар томонидан турли даврларда яратилган ҳажвий

шеърларда образ ва манзара яратиш орқали кулгининг табиати ҳамда юмор ҳосил қилувчи бадий тасвир воситалари қиёсий аспектда очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳажвиянинг адабий-эстетик категория сифатидаги илмий аҳамияти ўзбек болалар шеърятининг таниқли намояндалари ижоди мисолида ёритилган;

ўзбек болалар шеърятидаги ҳажвий асарлар таҳлили миллий уйғониш даври, шўро даври, истиклол даври болалар шеъряти мисолида даврлаштирилиб тадқиқ қилинган;

мумтоз анъаналар ва халқ оғзаки ижодининг болалар адабиётига таъсири ва унинг замонавий ҳажвия билан уйғунлашуви далилланган;

ўзбек болалар шоирлари ижодига биографик контекст асосида ёндашилиб, ҳажвиянинг ўзига хос хусусиятлари жамиятдаги янгиланишлар мисолида ёритилган;

мумтоз адабиёт ва фольклор намуналари болалар ҳажвиётига ижодий манба саналиши қиёсий-типологик аспектда текширилган;

болаларбоп ҳажвий асарлар бадийлик мезонларига таянилган ҳолда поэтик идрок этилиши илмий асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тарихий-маданий, тарихий-қиёсий, биографик, психологик ва аналитик таҳлил усуллари қўлланилганлиги, кузатишлар асосида аниқ илмий хулосаларга келинганлиги ҳамда ишончли назарий манбалардан фойдаланилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти истиклол даври ўзбек болалар шеърятининг ўзига хос хусусиятлари ва иждокорнинг ҳажвий образ яратиш маҳоратини таҳлил этишда; ўзбек болалар шеърятининг тараққиёт босқичларини белгилашга асос бўладиган бадий-эстетик қонуниятлар ҳамда поэтик табиатини кенг кўламда ёритишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ўзбек болалар шеърятини бадий маҳорат нуқтаи назаридан ўрганишда, олий ўқув юртлари, академик лицейларда болалар адабиёти бўйича дарс машғулотлари, махсус курс ва семинарлар олиб боришда, шунингдек, дарслик, ўқув қўлланма ва мажмуалар тузишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек болалар шеърятида ҳажвия жанри бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ҳажвиянинг ўзбек болалар шеъряти тараққиётидаги ўрни, иждокор концепцияси ва образ яратиш орқали намоеън бўладиган бадий вазифалари, фош қилиш санъати орқали юзага келадиган тарбиявий аҳамияти, ҳажв мазмуни реалистик тасвирларга асосланишига оид илмий-назарий хулосалардан ФА–Ф1-Г040 рақамли “Ўзбек адабиёти қиёсий адабиётшунослик аспектида: типология ва таъсир” (2012–2016 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 2 декабрдаги 01-2405/1-сон маълумотномаси). Натижада адабиётшуносликдаги муҳим муаммоларни ўзбек

болалар шеърятини қиёсий ўрганиш, хусусан, бадий-психологик таҳлил, қиёсий-типологик ва тарихий-қиёсий усуллардан фойдаланиш имконияти яратилган;

ҳажвиянинг болалар шеърятини бадий-эстетик ва жанрий такомилени юзага келтиришдаги аҳамияти, замонавий ўзбек болалар адабиётида мумтоз шеърят анъаналарининг давомийлиги, болалар адабиётида Навоий ижодининг ўрнига доир илмий хулосалардан А-1-118 рақамли “Алишер Навоий образининг тасвир ва талқинларига оид ўқув қўлланмасини тайёрлаш ва нашр этиш” (2015–2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 2 декабрдаги 01-2405/1-сон маълумотномаси). Натижада мумтоз шеърят анъаналарининг замонавий болалар адабиётига таъсири, Навоий ижоди болаларни миллий ва умуминсоний ғоялар руҳида тарбиялашига хизмат қилган;

ўзбек болалар шеърятини ҳажвиянинг тараққиёт такомилени белгилашда даврлаштириб ўрганишнинг аҳамиятига доир илмий хулосалардан 1-147-рақамли “Theoretical issues of Azerbaijani-Uzbek-Turkmen linguistics” (2016–2020 йй.) мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Озарбайжон Миллий илмлар академиясининг 2021 йилдаги 29 октябрдаги 232-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек болалар шеърятини ҳам ўзининг тасвир услуби ҳамда муаммога ёндашилишига кўра ўзига хос хусусиятлари янги қарашлар асосида бойитилган;

ҳажвиянинг болалар шеърятини тараққиётининг поэтик қимматини белгилаш, мажозий-ҳажвий образ яратишдаги шаклий ва мазмуний янгиликлар ҳақидаги хулосалардан Венгриянинг Eötvös Loránd университети билан ҳамкорликда “Ўзбек тили ва адабиётининг хориждаги тарғиби, Алишер Навоий асарларининг инглиз тилига таржималари масаласи” (2020–2023 йй.) мавзусидаги “Erasmus + International Credit Mobility Programm” мавзусидаги халқаро лойиҳада фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 2 декабрдаги 01-2405/1-сон маълумотномаси). Натижада ҳажвий асарларда сатира хусусиятларининг уйғунлашуви, истиклол даври болалар ҳажвий шеърятинида лирик субъект ва кечинма табиатининг янгиликларини омили асосланган;

ҳажвия жанрида мумтоз анъана ва замонавий сатира хусусиятларининг уйғунлашувига доир илмий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Муносабат” кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 19 апрелдаги 02-13-595-сонли маълумотномаси). Натижада кўрсатув мазмуни ўзбек болалар адабиёти тараққиётинида ҳажвий шеърларнинг ўрни борасидаги илмий маълумотлар билан бойитилган, дастур савияси ошишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та халқаро ва 13 та республика илмий-назарий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш эълон қилинган, жумладан, 2 та монография, 1 та рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий

нашрларда 14 та мақола, шундан, 10 таси республика, 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 246 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети далилланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқотнинг жорийланиши, натижаларининг эълон қилинганлиги ва ишнинг тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“XX–XXI аср ўзбек болалар шеърисида ҳажвия ва унинг тараққиёт тамойиллари”** деб номланиб, унда ҳажвиянинг болалар шеърисидаги ўрни ва ғоявий-бадиий хусусиятлари ҳақида сўз юритилган. Халқ оғзаки ижоди ва мумтоз анъаналарнинг болалар шеъриси тараққиётига таъсири ҳақидаги кузатишлар баён қилинган. Болалар ҳажвий шеърисининг тадрижий такомил борасидаги қарашлар ўз ифодасини топган.

Мазкур бобнинг *“Болалар шеърисида ҳажвиянинг ўрни ва бадиияти”* номли биринчи фаслида болалар шеърисида ҳажвиянинг ўрни белгиланган ҳамда ғоявий-бадиий хусусиятлари ёритилган. Ҳажвия, юмор ва сатира атамаларининг маъноларига аниқлик киритилган. Ҳажвийлик фақат услуби билангина эмас, балки муайян воқеликни кулги остига олиши, танқид қилиши, ўқувчига эстетик завқ бағишлаши каби белгилари билан фарқланишига муносабат билдирилган. Атамани болалар шеърисида жанр сифатида эмас, балки шеърининг асарларнинг эстетик белгиси сифатида тушуниш мақсадга мувофиқлиги хусусидаги тўхтамга келинган.

Болалар учун яратилган асарларнинг мумтоз адабиёт ва халқ оғзаки ижоди анъаналарини ўзида жамлаши, уларни ривожлантириб бориши натижасида ёш авлодда ўтмиш тажрибасини ўзида мужассамлаштирган ва замон талабларига жавоб бера оладиган асарларга эҳтиёж юзага келади. Бундай мазмундаги асарлар кичкинтойлар тасаввур оламининг кенгайишига хизмат қилиши, дидактик сюжетлар уларнинг характерида ўз ижобий таъсирини ўтказиши қайд этилган. Болалар шеърисида шоир шахсияти ва болалалик дунёсининг уйғунлашуви кичкинтойлар онги теранлиги, фикран ўсувчан бўлишини таъминлаши билан бир қаторда ўзлигига содиқлик, ўзликни англай билароқ замонавий бўлиш масъулиятини юклаши мисоллар ёрдамида изоҳланган. Мумтоз адабиётдаги образлар, дидактик моҳият ҳамда халқ оғзаки ижодининг шаклий анъаналари болалар адабиёти намуналарида акс этиши уларни янги поғонага олиб чиқаётгани борасидаги таҳлиллар келтирилган.

Бобнинг иккинчи *“Болалар ҳажвий шеърисида поэтикаси ва тадрижий такомил”* фаслида ҳажвий объект сифатида танланган образлар, жараёнлар ва

воқеа-ходисалар таҳлили ўз ифодасини топган. Фаслда юмор ҳамда сатиранинг болалар адабиётида тугган ўрни, тарбиявий аҳамияти ҳақида сўз юритилиб, унинг яна бир хусусияти – ижтимоий умумлашмалар чиқариш характериға изох берилган.

XX–XXI аср бошлари ўзбек болалар шеърляти ҳажвиётининг тадрижий такомиллини ўрганиш уни маълум даражада даврлаштиришни тақозо этади. Зеро, ҳар бир даврнинг ўзига хос жиҳатлари уни фақат ижтимоий ёки сиёсий ҳамда маданий ўзгаришлар фонида эмас, балки шу ўзгаришлар сабаб вужудға келадиган ва янгиланган дунёқараш – тафаккур тарзи билан ҳам белгиланади. Ҳар бир давр шеърляти ўзида давр хусусияти, уларнинг тафаккури, ўй-хаёлларидаги янгилинишларни акс эттириб боради. Шу маънода, адабий ҳодисаларни баҳолаганда ҳар бир даврға хос бадий тафаккур тарзидаги ўзига хосликлар ҳам назарда тутилади. Мазкур фаслда ўзбек болалар шеърлятининг XX–XXI аср намуналари умумий хусусиятларига кўра қуйидагича даврлаштирилган:

1. Миллий уйғониш даври ўзбек болалар шеърлятида ҳажвия.
2. Шўро даври ўзбек болалар шеърлятида ҳажвия.
3. Истиклол даври ўзбек болалар шеърлятида ҳажвия.

Мумтоз анъаналар ва халқ оғзаки ижодининг болалар адабиётига таъсири ва унинг замонавий ҳажвия билан уйғунлашуви масаласи ҳам боб мазмунидан ўрин олган бўлиб, бу жиҳатлар Қ.Муҳаммадий, З.Диёр, И.Муслим, Ш.Саъдулла, П.Мўмин, Т.Адашбоев, Қ.Ўтаев, А.Обиджон, Д.Ражаб, А.Акбар каби шоирлар томонидан болалар учун яратилган асарларнинг ғоявий-бадий хусусиятларини тадқиқ қилиш мисолида очиб берилган. Шунингдек, фаслда кейинги тўрт-беш йил ичида юртимизда кечаётган ислоҳотлар, хусусан, Янги Ўзбекистон, Учинчи Ренессанс ғоялари билан боғлиқ ўзгаришлар фонида вужудға келадиган бадий тафаккурдаги сифат янгилинишлар янги босқичнинг бошланиши сифатида таъкидланган.

Диссертациянинг *“Ҳажвия – болалар руҳиятидаги нуқсонларни фош қилиш санъати сифатида”* деб номланган учинчи фаслида ўтган асрнинг 80–90-йиллари ўзбек болалар адабиётдаги юмористик шеърлар ўзининг кенг қамровлилиги, бадий мазмундан ташқари ижтимоий мазмунни ҳам ифодалаш билан ажралиб туриши масаласига эътибор қаратилган. Мазкур даврда болалар шеърлятида мавжуд анъаналарнинг муваффақиятли тарзда давом эттирилгани билан бирга ижодий бойитилгани борасидаги кузатувлар ўз аксини топган. Жумладан, Т.Адашбоев, А.Обиджон, Қ.Ўтаев, Р.Толибов, А.Кўчимов, Ҳ.Имонбердиев, К.Турдиева, Д.Ражаб, А.Акбар каби кўплаб ижодкорлар шеърлятида яратилган юмористик образлар галереясининг объектлари тадқиқ этилиб, ижтимоий умумлашмаларға ўрин ажратилган. Фикр исботи сифатида Т.Адашбоевнинг шеър ва эртаклар қандай мавзуда бўлишидан қатъи назар, болалик оламининг бетакрор кашфиётларига айлана бориши ҳақидаги қарашларига муносабат билдирилган. Фаслда, шунингдек, болалар учун ижод қилувчи кўплаб шоир-ёзувчилар асарлари таҳлил этилиб, улардаги ижтимоийлик хусусияти кашф қилинган.

Тадқиқотнинг **“Ўзбек болалар шеърлятида ҳажвиянинг фалсафий-поэтик талқини”** номли иккинчи боби *“Болалар шеърлятида шакл ва мазмун уйғунлиги”*, *“Болалар шеърлятида янгилиниш ва рамзийликнинг концептуал*

асослари”, “Ҳажвиянинг жанрий такомилдаги имкониятлари” фаслларида иборат. Бобда ижодкорнинг бадиий нияти ва унинг кўзланган мақсадга муштараклиги борасидаги ёндашувлар изоҳланган. Маърифий-дидактик ва бадиий-эстетик руҳ устуворлигида яратилган болалар ҳажвий шеърятти кичкинтойларнинг кундалик ҳаётида фаол қўлланадиган ҳарф ва товушлар, рақамларнинг жонлантирилиши, турли ўйинлар ва шакллардан кенг фойдаланилиши билан болалар тасаввурини бойитиши, нутқи ва талаффузини шакллантириши мисолларда кўрсатилган.

Бобнинг дастлабки “*Болалар шеъряттида шакл ва мазмун уйғунлиги*” фаслида башарят асрлар давомида ўзининг турли эҳтиёжларини қондиришда адабиёт ва санъатдан тўғри маънода фойдаланишига эътибор қаратилади. Шу жиҳатдан, болалар адабиёти кичкинтойлар эҳтиёжини акс эттиришга қаратилган асл заруратга хизмат қилиши мақсадга мувофиқ. Шеърят майдонида ҳам у пайдо бўлгандан буён бир қанча шаклий, мазмуний тадрижий янгиланишлар бўлган ва улар ҳам маълум зарурат асосида юзага келгани табиий. Битиктошлар даврида инсоннинг келажакка ўз кечмишларини етказиб бериш эҳтиёжи бу давр адабиётини шакллантирган бўлса, ислом оламида инсон қандай яшаши керак деган саволга жавоб зарурати ўлароқ, мумтоз адабиёт ва такрор инсоннинг эҳтиёжи сабаб насрий асарлар яратила бошлаган деган қарашларни юзага келтиради. Шеърятдаги шаклий изланишлар билан тенгма-тенг мазмуний изланишлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳазрат Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонида:

*Назмда ҳам асл анга маъни дурур,
Бўлсин анинг сурати ҳар не дурур,*

деб ёзади. Буюк шоир назмнинг ранго-ранг либослар билан зийнатланиши табиийлигини таъкидлаши баробарида, ҳар қандай шаклда бўлишидан қатъи назар “асл анга маъни” эканлигини ҳам алоҳида қайд этган. Бугунги шеърятимизда кузатилаётган ана шундай шаклий янгиланишлар, айниқса, эътиборга лойиқ⁷. Дарҳақиқат, мазмун бор бўлсагина у қай шаклда бўлмасин бадиий асар мақомига лойиқ. Унга Навоий таъбири билан айтганда, қанча либос кийдирилса ҳам арзирли. Лекин мазмунни рад этган ҳолда қилинган шаклий изланишлар ўзини оқламайди. Шу давргача болалар учун яратилган асарларда ҳам шаклий ва мазмуний изланишлар бўлган. Дастлабки даврларда мазмун дидактик характерда бўлган бўлса, кейинчалик “одобни одобсиздан ўрган” қабилидаги тарбиявий аҳамият касб этувчи, сўнгра маълум бир асарларга мазмундаги кескин ўзгариш – ижтимоий маъно бериш бошланди. Бундан ташқари, болалар адабиётида бир қанча шаклий изланишлар ҳам кўзга ташланган. Бу шаклий изланишлар структурал-композицион йўналишга йўл берди. Муҳими, улар мазмун қиёмига етган даврда янги тажриба майдони сифатида пайдо бўлди.

XX аср ўзбек болалар адабиёти тарихида сатирик ва юмористик типдаги мажозий-ҳажвий образларнинг кўплаб намуналари яратилган. Улар шаклан халқ оғзаки ижоди намуналаридан озикланган бўлса-да, мазмунан давр ғоялари билан

⁷ Озод Ватан саодати. – Тошкент: Адиб, 2013. – Б. 5.

узвий алоқада бўлди. Шу маънода моҳиятда синфий-мафкуравий руҳ билан суғорилган бу асарлар ўзида давр руҳини реалистик йўсинда ифодалашга хизмат қилди. Жумладан, Қуддус Муҳаммадийнинг “Қўнғизой билан Сичқонвой”, Қудрат Ҳикматнинг “Илон шоҳ ҳақида эртак”, Шукур Саъдулланнинг “Оч бўри, шўх кўзи ва қирчанғи”, Адҳам Раҳматнинг “Қалдирғоч, илон ва бешиктебратар ҳақида эртак”, Пўлат Мўминнинг “Қовоқвой ва Чаноқвой”, “Суқатой-конфетвой” каби асарлар 20–30 йиллар ўзбек болалар халқ оғзаки ижоди анъаналари негизда яратилган сатирик образларнинг намуналари сифатида баҳоланди. Аксарияти эртак тарзида яратилгани ҳам уларнинг фольклор анъаналаридан озикланганига исбот бўла олади.

Бобнинг “*Болалар шеърлятида янгилашиш ва рамзийликнинг концептуал асослари*” номли иккинчи фаслида болалар адабиётидаги ҳажвий образларнинг мажозий талқинидаги ўзига хосликлар борасидаги кузатишлар келтирилган.

Маълумки, сатирада ҳам, юморда ҳам кулги ҳаётий илдизларга эга. Комик нарсалар бадиий асарда кулги ёрдами билан юмористик характерда ифодаланиши ёки уларнинг характери, мазмун-моҳиятига қараб сатирик тусда берилиши мумкин. Реал ҳаётдаги комикликнинг кўринишлари, унинг даражаланиш шакллари, моҳияти сатира ва юмор характерини ҳамда хилларини белгилайди.

Сатирада ҳам, юморда ҳам кулги қўзғайдиган омил шакл билан мазмундаги зиддият туфайли бўлади. Зеро “...кулгили нарсанинг асосида ғоя билан шакл ёки шакл билан ғоя ўртасидаги номувофиқлик, зиддият ётади”⁸. Ушбу мазмун шеърдаги шакл ва мазмунга алоқадор бўлмай, жамиятдаги моҳиятни тақозо этади, лекин уларнинг ҳар бири алоҳида олиб қаралганида, ўз ҳолича кулги уйғотмайди.

Сўнги давр болалар шеърлятида кувноқ юмор воситасида мажозий образ яратишга алоҳида эътибор берилди. Шоирлар сатирик образ яратишдаги каби юмористик образлар қиёфасини шакллантиришда ҳам мажоздан, поэтик кўчимлардан унумли фойдаланишди. Бироқ сатирик образ яратишда, кўриб ўтилганидек, кўпроқ эртак, ҳикоят ва ривоятларда сатирик тимсол даражасига кўтарилган бўри, тулки, каламуш, қарға, чумчуқ каби ҳайвонлар, парранда-ю даррандалар образидан фойдаланса, юмористик образ яратишда турли хил жониворлардан ташқари дов-дарахтлар, ўсимликлар олами, ҳар хил предмет, турли воқеа-ҳодиса ва кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга ҳам мурожаат қилишди. Уларнинг мажозийлашган юмористик қиёфасини яратишда поэтик кўчим, мажозий ва рамзий тасвирларга кўпроқ эътибор қаратилиши ушбу фасл мазмунига сингдирилган.

Кузатишлар асосида сўнги давр болалар шеърлятида юмористик образ яратишда, асосан, икки йўналиш устуворлик қилиши юзасидан қуйидагича хулосалар чиқариш мумкин бўлади:

Биринчи йўналишни бевосита болаларнинг юмористик образи яратилган шеърлар ташкил этади. Бу типдаги шеърларда болалар табиатида учраб турадиган айрим шўхлик ва ўйинқароқликлар, дангасалик ва тўполончилик одатлари кувноқ қаҳқаҳа билан фош этилади. Шу жиҳатдан Турсунбой Адашбоев, Анвар Обиджон, Дилшод Ражаб каби шоирлар яратган ҳажвий образлар алоҳида аҳамиятга эгадир.

⁸ Белинский В.Г. Собр. соч. в 3-х. т. – Москва: 1948. Т. – С. 238.

Уларнинг асарларида образ руҳиятидаги етакчи хусусиятлар юмористик кулги воситасида таъсирчан қилиб тасвирланади.

Ҳажвий-мажозий шеърятга оид айрим намуналарда ҳажвий-мажозий образлардан келиб чиқувчи умумлашмаларга мисоллар келтирилади. Улардан ҳосил бўлган дидактик ва ижтимоий хулосаларнинг аҳамияти ёритилади.

Болалар адабиётининг ўзига хос табиати, маърифий ва бадиий эстетик қиммати доимо ижодкорларнинг ҳам, танқидчиларнинг ҳам диққат марказида бўлиб келган. Айниқса, ҳажвий-мажозий шеърят ўзининг кўп қатламлилиги, тағдор мазмун касб этиши билан китобхонларни ўзига жалб қилса, танқидчилар ҳам бундай асарларни таҳлилга тортиб, улардан ўқирман уқа олмаган мазмунни синчи нигоҳи билан кашф этганлар. Мана шу жиҳатлари билан болалар шеърятинида ҳажвий-мажозий образлар алоҳида аҳамият касб этади.

Бобнинг учинчи фасли “*Ҳажвиянинг жанрий такомилдаги имкониятлари*” деб номланади. Шоир ва мунаққид Д.Ражабовнинг “Бадиият – маърифатдир” мақоласида болалар адабиётининг тарбиявий хусусияти ва бадиийлиги тўғрисида қуйидаги фикр-мулоҳазалари эътиборлидир: “Баъзан, айниқса, болалар адабиёти ҳақида гап кетганда, бу адабиёт тарбиявий, маърифий бўлиши керакми ё бадиий бўлиши керакми қабилдаги савол қўйилади. Болалар адабиётининг тарбиявийлиги, маърифийлигини асло бадиийликдан айрича тушунмаслик, талқин этмаслик керак. Илҳом ва истеъдод билан битилган ҳар қандай теран бадиий асар – тарбиявий ва маърифийдир. Чунки у инсоннинг кўнглини тарбиялайди, руҳини камолот сари ундайди”⁹.

Таъкидлаш жоизки, болалар шеърятини ўз тараққиёти такомилда кўплаб шаклий изланишларга юз очди. Бундай изланишлар структурал-композицион жиҳатдан ҳам, ифода йўсинига кўра ҳам самарали кечди. Муҳими, улар мазмун қиёмага етган даврда янги тажриба майдони сифатида пайдо бўлди.

Ўзбек адабиёти тарихида ҳажвий образларнинг жанрий такомилга ривож берадиган кўплаб намуналари мавжуд. Зеро, мажозийлик ва мажозий-ҳажвий образлар яратиш анъанаси халқ оғзаки ижоди намуналарига бориб тақалади. Халқ эртақ ва ҳикоятларида, афсона ва ривоятларида ҳар хил табиат ҳодисалари, предметлар, ҳайвонот олами, паррандалару даррандаларнинг турли сатирик образлари тасвирланади. Уларда шер ҳайвонлар шоҳи, бўри баковул, тулки ясовул, тошбақа тарозибон, қарға қақимчи ва чумчуқ чақимчи сифатида кўрсатилади. Халқ оғзаки ижоди намуналарида учрайдиган ушбу образлар болалар адабиёти учун ҳам муҳим манба ҳисобланади. Чунки адабиёт инсон қалби, онги ва тафаккурига эртақлар орқали сингиб боради. Улардаги образлар йиллар ўтса ҳам инсонлар ёдидан чиқмайди. Айниқса, эртақлар болалар қалбидан ўзига хос ўрин эгаллайди.

Болалар шеърятинида шаклий изланишлар борасида сўз юритилар экан, Турсунбой Адашбоев, Анвар Обиджон, Дилшод Ражаб, Абдурахмон Акбар ижодини ёдга олмай иложи йўқ. Айниқса, Абдурахмон Акбар ижодида шаклга хос янгиликлари яққол кўзга ташланади. Ушбу фаслда шоир ижодидаги асосий янгилик сифатида мазкур нуктага урғу берилган. Шоирнинг “Хато шеърлар”,

⁹ Ражабов Д. Бадиият – маърифатдир / Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2005. 9 сентябрь.

“Тескари сарлавҳали шеърлар”, “Рақамли шеърлар” номли туркумлари шулар жумласидандир. “Хато шеърлар” туркумидаги баъзи шеърлар атайин хато ёзилади. Ўқувчи уни матндаги маънога қараб ўзи тўғрилаб ўқиши керак бўлади (хато сўз алоҳида ажратиб ёзилади). Иккинчи туркум шеърлардаги шаклий изланишларда эса баъзи сўзларнинг тескари тартибда ёзилишига асосланилган. Аслида бундан ҳам сўз бошқа бир маъно англатади. Масалан, “калит” сўзи тескарисига “тилак” деб ўқилади.

Йиллар давомида шакл ва мазмун янгиланишлари сайқалланиб, давр ва башарият эҳтиёжи ўлароқ, янги маъно касб этиб бир-бирини тўлдириб боради. Бугун ҳам болалар шеърляти том маънода янгиланишга эҳтиёж сезмоқда.

Ишнинг 3-боби **“Ўзбек болалар шеърлятида мажозий-ҳажвий образ яратишдаги ўзига хосликлар”** мавзусига бағишланган бўлиб, у ўз ичига *“Ҳажвий образ яратиши усуллари”*, *“Ҳажвий образнинг мажозий талқинидаги ўзига хосликлар”* ҳамда *“Ҳажвий-мажозий болалар шеърлятида поэтик мазмун такомилли”* фасллари олади.

Ушбу бобнинг *“Ҳажвий образ яратиши усуллари”* деб аталган илк фаслида янгиланиш зарурати инсон, унинг онгу тафаккури ўсиши билан баравар пайдо бўлгани таъкидланган.

Ўтган давр мобайнида яратилган болалар ҳажвий шеърляти мавжуд ижодий анъана ва принципларнинг қонуний давоми сифатида ўзида анъаналарнинг замонавийлик мезонлари асосида янги тажрибалар билан уйғунлашганини кўрсатади. Шунинг учун ҳам ишда ҳажвий-юмористик образ яратишда шартлилик ва мажозийлик тамойилларидан фойдаланиш масалалари ҳам алоҳида йўналиш сифатида таҳлилга тортилди. Ҳажвий-юмористик кулги яратиш восита ва усуллари ижодкор бадиий маҳорати билан чамбарчас боғлиқ эканлигига диққат қаратилди.

Собиқ шўролар даврида яратилган ҳажвий шеърларда кўпроқ болалар табиатидаги дангасалик, яхши ўқимаслик, тозаликка риоя этмаслик, чақимчилик ва бошқа болалар табиатида учраб турадиган хусусиятларни сатирик ҳамда юмористик кулги воситасида тарбиялашга йўналтирилган эди. Фаслда Қ.Муҳаммадийнинг “Дум”, “Аҳмаджон ёмон бола эмас-ку, аммо”, П.Мўминнинг “Салимжон – нимжон”, “Парпининг ҳарфи” ва бошқа шу типдаги шеърлар таҳлили орқали характерли жиҳатлари очилади.

Истиқлол йилларига келиб болалар шеърлятида ҳажвий образ яратишдаги энг яхши анъаналар давом эттирилиши билан бирга, яратилаётган ҳажвий образлар зиммасига маълум “ижтимоий юк” ортилди. Болалар шеърлятида сатира ҳамда юмор образлар ва бадиий воситаларнинг аниқ бадиий-эстетик мақсад йўлида хизмат қилишини таъминлайдиган, асарнинг таъсирчанлигини оширадиган омил вазифасини бажарди.

80–90 йиллар болалар шеърлятида ҳажвий-юмористик образлар яратишда болалар хулқ-атворида учраб турадиган куйидаги салбий хусусиятлар кулги воситасида фош этилган:

а) ғийбат, чақимчилик, ёлғончилик, миш-мишлар, очофатлик, дангасалик каби салбий хулқлар болалар табиатига мос равишда ҳажвий йўсинда тасвирланган;

б) инсонларнинг табиатга, жониворларга бўлган шафқатсизларча муносабати ҳажвий образлар талқини орқали болалар руҳияти билан боғлиқ равишда кўрсатилган;

в) ҳажвий-юмористик образларнинг характер хусусиятлари турли мажозийлашган шартли поэтик деталлар, бадиий тасвир воситалари, ўхшатишлар, сўзларни кўчма маънода қўллаш, жонлантиришлар орқали яратилган;

г) халқ оғзаки ижоди анъаналаридаги сатирик тимсолга айланган ҳайвон ва паррандаларнинг мажозий образлари воситасида порахўрлик, ёвузлик, мақтанчоқлик, манманлик каби қатор иллатлар юмор орқали фош этилган.

Бу давр болалар шеъриятида ҳажвий-юмористик образлар яратишда шоирлар фольклор унсурлари ва қувноқ кулгидан самарали фойдаланиб, асосий эътиборини қуйидагиларга қаратганлар:

1) болалар табиатида учраб турадиган баъзи бир қусурларни беғараз ва қувноқ кулги остига олиш, бу билан уларни даволашга хайрихоҳлик билдириш;

2) турли-туман табиат ҳодисалари, ҳайвонлар, жониворлар, паррандалар, ўсимлик ва сабзавотларнинг мажозийлашган юмористик образлари воситасида ҳаёт билан чуқурроқ таништиришга ҳаракат қилиш асосида асарларнинг бадиий-эстетик қимматини ошириш.

Бобнинг навбатдаги “*Ҳажвий образнинг мажозий талқинидаги ўзига хосликлар*” фаслида образли тафаккур ва фикрлаш ўртасида маълум фарқлар мисоллар асосида таҳлилга тортилган. Ушбу тушунчалар орасидаги тафовутни адабиётшунос Д.Қуронов ўзининг “Адабиёт назарияси асослари” китобида атрофлича изоҳлайди. Инсоннинг бошқа жонзотлардан фарқи унинг фикрлаши, тафаккур қилиши билан боғлиқ. Образли тафаккур орқали бадиий адабиётда бадиий образлар дунёга келади. “Сўздан сўзнинг фарқи бор” деганларидек, фикрлаш ва образли фикрлаш ўртасида ҳам маълум тафовутлар мавжуд. Буни қуйидагиларда кўриш мумкин:

Биринчидан, фикрлаш бутун инсониятга тегишли хусусият, шу жиҳатдан у умумий. Образли фикрлаш эса санъатшунос, адабиётшунос каби маълум соҳа вакиллариларга кўпроқ хос дейиш мумкинки, улар мазкур тушунчанинг олий кўринишларини ярата оладилар.

Иккинчидан, бу икки тушунча бошқа-бошқа соҳаларга тегишли эканлиги билан ҳам фарқланади. “Фан нима бўлганини, адабиёт эса қандай бўлганини тушунтиради”, – деган эди Белинский. Дарҳақиқат, фан кишиси ҳисобланган олим тафаккур қилиб нима бўлганини аниқ, лўнда тушунтирса, шоиру ёзувчилар қандай бўлганини бадиий тафаккур, образли фикрлаш орқали ифодалашга уринади.

Учинчидан, фикрлаш бу ақлий жараёндир. Унда инсон ақлига таянади, борлиқдаги нарса-ҳодисаларни онги билан идрок этади. Унда ортиқча ҳис-туйғуга берилишга ҳожат йўқ. Образли тафаккур тарзига келсак, бу унинг акси. Гастет таъбири билан айтганда, у инсоннинг ичига қаратилади, ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, ўй-хаёллари образлар мисолида гўзал тасвирланади. Жараёнда инсон туйғуларининг нозик торлари чертиб ўтилади. Юқоридаги тушунчалар болалар адабиётига ҳам қисман тегишли. Лирик кечинмаларга деярли ўрин берилмаса-да, юқоридаги икки хусусиятни умумий деб аташ мумкин бўлади. Масалан, ёш

